

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИНИНГ ПРЕДМЕТИНИ БЕЛГИЛАШ МУАММОЛАРИ

Хурсанов Рустам Холмуратович

Тошкент давлат юридик университети
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси доцент
вазифасини бажарувчиси,
э-почта: hursanov.rustam75@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Телекоммуникация хизматлари ўзининг турлари ва мазмунига кўра рангбараңгидир. Интернетнинг ривожланиши, виртуал оламнинг муттасил кенгайиб бориши, рақамлашувнинг чуқурлашиб бориши ўлароқ инсон тасаввурига ҳам келмайдиган турли технологияларнинг яратилиши телекоммуникация хизматлари доирасининг ортиб боришига олиб келди. Эндиликда кишиларнинг уали телефон қурилмасидаги функцияларнинг кўплиги билан ҳайратлантириб бўлмаяпти. Аксинча, кишиларни онги шуурини ақл бовар қилмайдиган технологиялар, смартфонларнинг виртуал имкониятлари ҳамда ақлли технологиялар томонидан тақдим этилаётган хизматлар турлари кўлами билан лол қолдириши мумкин. Шу жиҳатдан бугунги цивилистика фани олдида муайян шартномавий конструкцияларнинг предметини белгилаш муаммоси турибди. Етмаганига “смарт” – ақлли шартномаларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга фаол аралашуви фуқаролик ҳуқуқи фани олдидаги вазифаларни кўпайиб боришига хизмат қилмоқда. Мазкур мақолада кенг қамровли хизматларни ўзида ифодалайдиган телекоммуникация хизматларини кўрсатиш шартномасининг предметини аниқлаш ва унинг доирасини белгилаш масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: телекоммуникация, ахборот, Интернет, оператор, провайдер, хизмат, шартнома, тарафлар, хизмат кўрсатиш, абонент.

АННОТАЦИЯ

Телекоммуникационные услуги разнообразны по своим видам и содержанию. Развитие интернета, непрерывное расширение виртуального мира, создание различных технологий, которые даже не приходят в человеческое воображение как углубление цифровизации, привели к увеличению объема телекоммуникационных услуг. Уже не удивительно, что люди имеют большое количество функций на своем мобильном телефоне. Напротив, сознание людей может восхищаться невероятными технологиями,

виртуальными возможностями смартфонов, а также масштабом видов услуг, предоставляемых интеллектуальными технологиями. В связи с этим наука современной цивилизации сталкивается с проблемой определения предмета тех или иных договорных конструкций. Отказ от "умных" - активное вмешательство смарт-контрактов в регулирование общественных отношений служит увеличению числа задач, стоящих перед наукой гражданского права. В данной статье рассматриваются вопросы определения предмета договора на оказание телекоммуникационных услуг, который представляет собой широкий спектр услуг, и определения его объема.

Ключевые слова: телекоммуникации, информация, Интернет, оператор, провайдер, услуга, договор, стороны, услуга, абонент.

ABSTRACT

Telecommunication services are diverse in their types and content. The development of the Internet, the continuous expansion of the virtual world, the creation of various technologies that do not even come to the human imagination as a deepening of digitalization, have led to an increase in the volume of telecommunications services. It is no longer surprising that people have a large number of functions on their mobile phone. On the contrary, people's minds can admire the incredible technologies, the virtual capabilities of smartphones, as well as the scale of the types of services provided by intelligent technologies. In this regard, the science of modern civilization is faced with the problem of determining the subject of certain contractual structures. The rejection of "smart" - the active intervention of smart contracts in the regulation of public relations serves to increase the number of tasks facing the science of civil law. This article discusses the issues of determining the subject of a contract for the provision of telecommunications services, which is a wide range of services, and determining its scope.

Keywords: telecommunications, information, Internet, operator, provider, service, contract, parties, service, subscriber.

КИРИШ

Телекоммуникация хизматлари кўрсатиш шартномасининг номланиши ва умуман "телекоммуникация хизматлари" иборасида ҳам кўплик ҳақида гап кетаётганлигини англаш қийин эмас. Шундай экан "телекоммуникация хизматлари" ибораси йиғма тушунча сифатида ўзида телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиб, фойдаланувчининг муайян эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолиятни амалга оширишни ифодалайди. Бироқ бу

ҳолатдаги асосий масала ушбу шартнома предметини айнан қайси турдаги ҳаракатлар ёки фаолият жамлашини, мураккаб ва кенг тармоқли телекоммуникация соҳасидаги муносабатлардан айнан қайсилари шартномавий тартибга солиш предмети таркибиға кириши ҳисобланади.

Юридик адабиётларда шартнома предметини аниқлаш ёки белгилаш муаммолари борасида бир қатор ёндашувлар назарда тутилган. О.Г.Ершовнинг фикрича, “шартнома предмети – бу бевосита тарафларнинг келишув бўлиб, у тарафларнинг обьектга нисбатан эрк-иродаси йўналтирилганлигини назарда тутади ва айнан шу обьектга нисбатан кейинчалик ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келади ва тарафлар ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзасидан шартномавий муносабатга киришишнинг ҳуқуқий мақсадига эришиш ҳаракатларни амалга оширадилар”¹.

А.С.Грунскийнинг ёзишича, “шартнома предмети – бу тарафлар шартнома воситасида ўрнатишни мақсад қилган ва унинг бажарилишига шартномани бекор бўлиш факти сифатида қарайдиган мажбурият (мажбуриятлар)дир”².

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Фикримизча, шартнома предмети борасидаги юқоридаги иккала муаллифнинг фикрлари ҳам баҳсли жиҳатларга эга. Гап шундаки, шартнома предмети ёки ўзбек тилида айтганда “нарсаси” тарафларнинг келишувида акс этган обьект ҳисобланади. Зоро, ФКнинг 81-моддасида санаб ўтилган фуқаролик ҳуқуқларининг обьектлари ҳам шартноманинг предмети бўлиши мумкин. Бироқ шартнома предмети фуқаролик ҳуқуқлари обьектлари доирасида четга чиқади. Масалан, олди-сотди шартномасининг предметини товарга нисбатан мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш ташкил қиласи. Бу ФКнинг 386-моддасидан англашилади. Ижара шартномасининг предмети бўлиб эса мол-мулк юзасидан ҳуқуқларни вақтинча бошқа шахсга ўтказиш ҳисобланади (ФКнинг 535-моддаси). Бошқача айтганда шартноманинг предмети агар тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қаратилган обьект бўлганида олди-сотди ва ижара шартномаларининг ёки қарз шартномасининг предмети бир нарса мол-мулк бўлиб қоларди. Лекин бу шартномаларнинг барчаси мол-мулк борасида тузилсада, уларда шартнома юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар ҳамда обьектга нисбатан тарафларнинг

¹ Ершов О.Г. О предмете гражданско-правового договора // Современная наука. 2011. – № 4 (7). – С. 20 // <https://cyberleninka.ru/article/n/o-predmete-grazhdansko-pravovogo-dogovora>

² Грунский А.С. К проблеме понятия предмета гражданско-правового договора // Актуальные проблемы российского права. 2009. № 2. – С. 212 // <https://cyberleninka.ru/article/n/k-probleme-ponyatiya-predmeta-grazhdansko-pravovogo-dogovora>

хуқук ва мажбуриятлари мазмуни ҳамда моҳияти турличадир. Ушбу турличалик эса фуқаролик хуқуқидаги алоҳида шартноманинг предметини ташкил этиши лозим.

Шартноманинг предмети, хусусан хизмат кўрсатиш шартномасининг предмети борасида мушоҳада юритар экан, Ҳ.Раҳмонқулов қўйидагилар таъкидлайди: “У ёки бу турдаги шартнома бўйича содир этилаётган ҳаракат нимага, яъни қандай натижага эришишга йўналтирилганлигига қараб, шартноманинг предмети турлича бўлиши мумкин. Масалан, ... турли хизмат кўрсатиш шартномасининг предмети – муайян ҳаракатларда содир этиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш”³.

Е.Д.Шешениннинг фикрича, “хизмат кўрсатиш бўйича барча шартномавий мажбуриятларда шартноманинг умумий предмети – хизмат хўжалик ёки маданий-маиший эҳтиёжни қондириш бўйича фаолият сифатида гавдаланади”⁴.

Фикримизча, шартнома предмети, яъни нарсаси бу фуқаролик хуқуқининг одатдаги обьектлари эмас, балки тарафларнинг мажбуриятлари ташкил этади. Зоро, шартнома тузишдан мақсад қарздор шахснинг кредитор фойдасига муайян ҳаракатни қилиши ёки муайян ҳаракатдан тийилиши ҳақида келишиш хисобланади. Шу боис келишилган буюмни топшириш, иш бажариш, хизматни кўрсатиш ёки пулни тўлаш ҳаракатлари шартноманинг предмети бўла олади. Бу ҳолат эса ўз навбатида, ФКнинг 234-моддаси биринчи қисмида мажбурият тушунчасига берилган таърифдан ҳам англашилади. Мазкур норма орқали қонун чиқарувчи мажбурият-хуқуқий муносабатининг, хусусан, шартномали мажбурият муносабатининг предметини аниқлаб беради.

Шартноманинг предметини аниқлаш борасида мушоҳада юритар экан, И.С. Кокорин қўйидагиларни билдиради “ҳар бир шартномавий мажбурият хуқуқий муносабат ўзига хос, фақат шу муносабатга оид предметга эга бўлади. Бироқ “ҳаракат” кўплаб шартномавий мажбуриятларда “ташқи дунё обьектлари”, материя ёки унинг ҳаракатланиш шакли билан боғлиқ бўлади. Бу вазиятда ашёлар, неъматлар қарздор “ҳаракати” боғлиқ бўлган обьектлар хисобланади”⁵.

Агар мазкур фикрни телекоммуникация хизматларини кўрсатиш шартномасига нисбатан оладиган бўлсак, мазкур шартноманинг предметини

³ Раҳмонқулов Ҳожи-Акбар. Мажбурият хуқуки (умумий қоидалар) / Хуқуқшунослик ихтисоси бўйича олий ўкув юртлари "Хусусий хуқуқ" йўналиши магистратура талабалари учун. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 238 б.

⁴ Шешенин Е.Д. Общие проблемы обязательств по оказанию услуг / Антология уральской цивилистики. 1925–1989: сб. ст. – М.: Статут, 2001. – С. 347.

⁵ Кокорин И.С. Предмет договора возмездного оказания образовательных услуг: проблемы понимания // <https://cyberleninka.ru/article/n/predmet-dogovora-vozmeznogo-okazaniya-obrazovatelnyh-uslug-problemy-ponimaniya>

содда тарзда оператор ва провайдернинг абонент ёки фойдаланувчининг фойдасига тегишли тармоқ орқали сигналлар ва ахборотни қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлаш имкониятини таъминлашга қаратилган фаолияти сифатида белгилаш мумкин. Бунда шартнома предмети сифатида оператор ва провайдернинг абонентларни тармоққа улаш, тармоқда сифатли мулоқот ва ахборот алмашишни таъминлаш, ахборотни сақлаш ва узатиш ҳамда шу каби бошқа ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фаолияти эътироф этилиши лозим. Қолаверса, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш шартномасининг предмети таркибиға абонент қурилмаси ва тармоқ ўртасидаги барқарор боғланишни таъминлаш бўйича оператор ва провайдернинг ҳаракатлари ҳам киради. Масалан, шартнома бўйича провайдер абонентга Wi-Fi хизматини тақдим этганида уни тегишли қурилма билан таъминлаши ҳамда ушбу қурилмага уланиш коди ва паролини бериши ҳамда уни сир сақлаши лозим бўлади. Бу ҳолатда шартнома предмети нафақат телекоммуникация тармоқларига абонентни улаш ва у орқали ахборот билан муомала қилишни таъминлаш бўлади, балки абонентни қурилма билан таъминлаш ва бу қурилмага уланиш коди ва паролини сир сақлаш юзасидан провайдернинг мажбуриятлари ҳам ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш фуқаролик хуқуклари объектлари таркибиға киради. Одатда хизмат – ижрочининг буюртмачи фойдасини кўзлаб амалга оширадиган фаолияти ёки хатти-ҳаракати сифатида кўрилади. Цивилистик тафаккурнинг бугунги даражаси хизматни натижка мезонига қараб икки турга ажратади. Муайян натижани ҳосил қиласиган хизматлар (масалан, майший хизматлар) ва моддий натижани юзага келтирмайдиган хизматлар. Ушбу масалага ўз муносабати билдирар экан, Ҳ.Рахмонкулов қуйидаги фикрларни билдиради: “Ҳар қандай хизмат унинг ҳарактери, нимага қаратилган ва тегишли бўлишига қараб моддий шаклдан иборат бўлмасада, албатта муайян натижага эришиш билан боғлик”⁶.

Фикримизча, шартноманинг мақсади натижани яратишга қаратилган бўлса, шу натижани яратишга қаратилган мажбурият ва ҳаракат унинг предметини ташкил этади. Ҳ.Рахмонкулов томонидан билдирилган фикрга қўшилган ҳолда, таъкидлаш лозимки, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш шартномасида натижка абонентнинг тармоққа уланганлиги ва шу тармоқ орқали ахборот қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлаш билан боғлик эҳтиёжлари қаноатлантирилганлиги саналади. Бу эҳтиёжнинг қаноатлантириш даражаси ва

⁶ Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик хуқуқининг объектлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 12 б.

шартномада келишилган сифат даражасининг таъминланиши эса натижа юзасидан абонентнинг эътиroz ва талабларига кўра баҳоланади.

Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш шартномалари ўзининг юридик табиатига кўра ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларига яқиндир. Албатта, бу ўринда мазкур шартноманинг умумий турдаги хизматларга хос жиҳати ҳам мавжуд. Бироқ телекоммуникация хизматларида асосий эътибор ижрочининг буюртмачи фойдасига қаратилган ҳаракати бўлиши, кўрсатилган хизмат якунида моддий натижа яратиласлиги ҳамда ашёвий тус ҳосил қиласлиги сабабли ушбу шартномани ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятлари турига киритиш учун асос ҳисобланади

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг предметини тадқиқ этар экан, Т.А.Муминов қуйидаги фикрларни билдиради: “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг предмети-жисмоний ва юридик шахслар, тадбиркор шахс томонидан амалга ошириладиган ашёвий шаклда бўлмаган муайян ҳаракат ёки фаолиятларни бажариш учун тузиладиган хилма-хил шартномалар ҳисобланади”⁷. Т.Н. Скорикова мобил телефон алоқаси шартномаси мисолида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг предмети масалаларини таҳлил қилиб, қуйидаги хуносага келади: “хизмат кўрсатиш муносабатларида, хусусан мобил алоқа хизматида шартнома предметини “фаолият” ташкил этади. Бу фаолият операторнинг қуйидаги ҳаракатларида ифодаланади: электрон алоқа ахборотини қабул қилиш, узатиш, қайта ишлаш, сақлаш ва жўнатиш. Бу ҳаракатларнинг ҳар бири оператор томонидан таъминланиши ва фойдаланувчи учун кафолатларга бўлиши лозим. Шунга қамасдан қонунчиликда хизматларни фаолият натижаси сифатида талқин этиш ҳолатлари учрайди. Бундай натижа сифатида алоқа хизмати бўйича фаолиятнинг ижобий самараси тушунилади”⁸.

Масалан, Телекоммуникациялар тўғрисидаги қонун ва Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидларида “телекоммуникация хизматлари - операторнинг (провайдернинг) фаолият маҳсули” сифатида талқин этилган.

Бундан фарқли равишда хорижий мамлакатларнинг қонунчилигига “телекоммуникация хизматлари” тушунчасига нисбатан аниқроқ таъриф берилган. Жумладан, Эстониянинг “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги ⁹

⁷ Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-хукуқий муаммолари: юрид. фан. номз. дис. ... – Тошкент: 2006. - 25 б.

⁸ Скорикова Т.Н. Предмет договора возмездного оказания услуг // <https://cyberleninka.ru/article/n/predmet-dogovora-vozmezdno-go-okazaniya-uslug>

⁹ О телекоммуникациях: Закон Эстонии от 9 февраля 2000 г. под № RT I 2000, 18, 116. [Электронный ресурс] // Режим доступа: Официальный сайт Института проблем информационного права: <http://www.medialaw.ru/exussrlaw/l/ee/telecom.htm>

Конуни 2-параграфига кўра, телекоммуникация хизматлари бўлиб, телекоммуникация тармоғи ёки тармоқларида сигналларни ўтқазиш ёки йўналтириш ҳамда телекоммуникация тармоғи терминал нуқталари ўртасидаги боғлиқни ўрнатиш ҳисобланади. Молдова Республикасининг 2007 йил 15 ноябрдаги “Электрон коммуникациялар тўғрисида”ги¹⁰ №241-XVI қонуннинг 2-моддасида белгиланишича, электрон коммуникация хизматлари – ҳақ эвазига тақдим этиладиган ва тармоқлар орқали сигналларни узатиш ва электрон алоқа хизматидан ташкил топадиган ҳаракатлардир. Литва Республикасининг 1998 йил 9 июндаги “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги¹¹ № VIII-774 қонунинг 2-моддаси 30-бандига кўра, телекоммуникация хизматлари – тўлиқ ёки қисман сигналларни узатиш, коммутация қилиш, шунингдек телекоммуникация тармоқлари орқали радио ва телевизион дастурларни жўнатиш хизматларидир.

Фикримизча, бу ўринда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг предметини фаолият кесимида кўриш ўринли бўлади. Чунки, хизмат моддий натижани яратишга қаратилмайди ва одатда буюртмачининг эҳтиёжи учун муайян фаолият ёки ҳаракатни амалга оширишни тақозо этади. Жумладан, абонентга электрон почта хизматларини кўрсатиш, кабелли телевидения ёки мобил телефон алоқаси хизматларини тақдим этиш оператор ва провайдер томонидан муайян фаолият кўринишда амалга оширилади. Ўз навбатида, телекоммуникация хизматларини кўрсатишдаги оператор ва провайдернинг ҳаракатлари уларнинг субъектлилик мақоми ҳамда фаолият йўналишидан келиб чиқади. Чунончи, Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 6-бандида “операторлар ва провайдерларнинг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ фаолияти ўрнатилган тартибда олинган лицензия асосида ҳамда оператор (провайдер) ва лицензия берувчи орган ўртасида тузилган лицензия шартномаси бўйича олиб борилиши”¹² белгиланган. Бу шуни англатадики, телекоммуникация хизматини кўрсатувчилар тегишли лицензия асосида фаолият олиб борадилар ва уларнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятлари бевосита телекоммуникация тармоқлари орқали ахборот билан мулоқот қилишни таъминлашга қаратилади.

Назаримизда хизмат кўрсатиш муносабатларининг предметини фаолияти маҳсули сифатида талқин этиш иқтисодий назарияга асосланади. Чунки

¹⁰ Закон республики Молдова от 15 ноября 2007 года №241-XVI “Об электронных коммуникациях” [Электронный ресурс] // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=22893

¹¹Закон Литовской Республики "О телекоммуникациях" от 9 июня 1998 г. № VIII-774 [Электронный ресурс]// <http://electrosvyaz.com/forum/viewtopic.php?t=12924>

¹² <https://lex.uz/docs/4962057>

иқтисодий нұқтаи назардан қараганда ҳар қандай фаолият муайян натижани ҳосил қиласы да шу натижадан келиб чиқиб фойда да даромад аниқланади. Айни пайтда телекоммуникация фаолияти маңсули сифатида абонентнинг тармоққа уланғанлиги, тармоқ орқали ахборотни қабул қилиш, узатиш да қайта ишлаш имкониятининг мавжудлиги күрилади. Замонавий иқтисодчилар хизматни цивилизациянинг ривожланиши да ижтимоий фаровонликнинг ортиши билан ўзаро боғлиқ бўлган сезиларли даромадни таъминлайдиган да барқарор ўсишнинг глобал анъаналарини тавсифлайдигина иқтисодий аҳамиятга эга товар сифатида тавсифлайдилар¹³.

Иқтисодий адабиётларда хизматларнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари санаб ўтилади:

- хизмат меҳнат натижаси сифатида. Хизматда моддий-ашёвий шакл мавжудлигиган қатъий назар, у шахсийлашган бўлади, яъни субъект томонидан меҳнат маңсули ўзлаштирилади;
- хизмат номоддий-ноашёвий шаклда тақдим этилиши мумкин. Бунда хизматлар моддий неъмат хисобланмайди, балки виртуал бозорда олинган ахборотни ифодалайди;
- хизмат фақат фаолият натижаси истеъмолчи учун ижобий оқибат ҳосил қиласа, яъни хизмат рад этилмасдан, қабул қилинса, идентификацияланиши мумкин;
- хизмат кўрсатиш истеъмолчилик хусусиятидаги пакет (жамланма)ни ўзида ифодалайди, яъни ушбу соҳада фақатгина субъект томонидан индивидуал тарздаги мақбул қабул қилинганида амалга оширилиши мумкин. Хизматни бажариш уни ишлаб чиқарувчи да истеъмолчининг муайян аниқ ҳолатдаги жой да вактдаги ўзаро ҳаракатларини талаб қиласи;
- химзат объект (истеъмолчи предмет)га нисбатан субъектлари (истеъмолчилар)ни топадиган ижтимоий муносабатлар шаклини ифода этади¹⁴. Хизматнинг юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатлари иқтисодий маънода хизматни бир субъект (истеъмолчи) томонидан бошқа субъект (ижрочи)нинг номоддий-ноашёвий шаклда (бошқа истеъмолчи томонидан истеъмол қилинганидан кейин бегоналаштириш предмети бўлиши мумкин эмас) да истеъмолчи учун ижобий оқибатлар мавжуд бўлган меҳнати натижасини ўзлаштирилиши сифатида тушуниш имконини беради.

¹³ Сиднева Ю.Е. Информационные услуги в системе экономических отношений (теоретический аспект): Автореф. ... канд. экон. наук. – Уфа, 2001. – 62-64 с.

¹⁴ Международный рынок услуг: Учебник / под ред. В.А. Черненко. – СПб.: Нестор-История, 2011. – С. 15.

Хизмат кўрсатишни фуқаролик-хуқуқий ва иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилиш асосида Е.Г.Шаблова қуйидаги таърифни таклиф қилади: “хизмат – амалдаги хуқуқ тартибот томонидан йўл қўйилган ҳамда ҳақ эвазига амалга ошириладиган ижрочи фаолиятининг номоддий натижаси билан боғлиқ бўлган шахснинг индивидуал эҳтиёжларини қондириш усулидир”¹⁵.

Хизматда натижа категориясининг мавжудлиги муаммолини цивилист олимлар ҳам фуқаролик қонунчилиги кесимида асослашга ҳаракат қилишади ва бунда хизматнинг моддийлашган натижасини ФКнинг пурратга оид қоидалари ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш муносабатларини тартибга солишга нисбатан қўлланилишига (ФКнинг 708-моддаси, Россия ФКнинг 783-моддаси, Қозоғистон ФКнинг 687-моддаси) ишора қилишади. Хусусан, ушбу масалада Н.А.Баринов¹⁶ пурратни, шу жумладан майший пурратни ҳам хизмат таркибиға киритади ҳамда ўзининг мазкур фикри исботи сифатида хизматларни моддий ва номоддий турларга ажратган ҳолда, пурратни моддий хизмат эканлигини таъкидлайди. Е.А.Пучков ҳам хизматлар моддий бўлиши мумкинлигини таъкидлайди, бироқ хизмат кўрсатиш ва пуррат шартномаларини чегаралаш учун натижа олиш мезонига эътибор қаратади. Унинг таъкидлашича, хизматлар шахсий фойдаланиш учун натижани олиш мақсадида амалга ошириладиган фаолиятдир¹⁷.

Мазкур масалага ўз муносабати билдирап экан, О.В.Горбунова қуйидагича мулоҳаза юритади: “ факат ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш муносабатларидағина ижрочи моддий натижага эришиш талабисиз муайян ҳаракатни содир этиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш мажбуриятини олади”¹⁸.

Фикримизча, “хизмат”ни юридик жиҳатдан талқин этишда қонунчилик икки хил ёндашувни танлаганига эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, хизмат бу – аҳолининг майший эҳтиёжини қондиришга қаратилган ҳаракатлар ва унда натижа ҳосил қилиниши мумкин. Иккинчидан хизмат, истеъмолчининг буюртмаси асосида ижрочи томонидан унинг фойдасини кўзлаб фаолиятни амалга ошириш хисобланади ва бунда натижа масаласи аҳамият касб этмайди. Ушбу масалага ўзининг муносабати билдирап экан, Б.И.Ибраторов қуйидаги фикрларни билдиради: “хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятлар

¹⁵ Шаблова Е.Г. Гражданко-правовое регулирование отношений возмездного оказания услуг. Дис... д.ю.н. Екатеринбург, 2003. – С. 11.

¹⁶ Баринов, Н.А. Услуги. - Изд. 2-е, дополненное. – Саратов: Надежда, 2003. – 224 с.

¹⁷ Пучков, Е. А. Правовое регулирование договора возмездного оказания услуг: дис... к.ю.н. - М., 2006. – 11 с.

¹⁸ Горбунова О.В. Общая характеристика обязательств по оказанию услуг // Вестник Волжского университета имени В.Н. Татищева. 2017. – № 1, том 2. // <https://cyberleninka.ru/article/n/obschaya-harakteristika-obyazatelstv-po-okazaniyu-uslug>

истеъмолчининг манбаатларни қаноатлантиришга қаратилган тарафлар ўртасидаги келишувдир. Бундай хизматлар жумласига йўловчи ташиш, поча хизматлари, алоқа хизмати, топшириқ шартномалари ҳамда томоша ва қўнгил очар тадбирларни ташкиллаштирувчи ташкилотлар билан тузиладиган шартномалар киради. Аҳолига майший хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича эса мажбур шахснинг ҳаракатлари, агар бу майший буюртма билан билан боғлиқ бўлса ашёвий тус касб этади”¹⁹.

Н.С.Нарматовнинг фикрича, хизматлар деганда, қонун хужжатларига мувофиқ ижрочи фаолиятининг номоддий натижаси билан боғлиқ бўлган ҳамда шахсий эҳтиёжларни ҳақ эвазига қондиришга қаратилган муайян ҳаракат ёки муайян фаолиятни амалга оширилиши тушунилади²⁰.

Баъзи муаллиф “хизмат” ва “хизмат кўрсатиш” тушунчаларини бирбиридан фарқлайдилар ҳамда “хизмат кўрсатиш” тушунчаси “хизмат” тушунчасини ҳам қамраб олишини таъкидлашади²¹. Жумладан, айrim олимларнинг фикрича, хизматлар соҳасига фақат хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг фаолият шакли сифатида “алоҳида истеъмол қийматига” эга бўлган фуқаролар учун ўзларининг истеъмол эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган иқтисодий муносабатлар таллуқлидир²². Бошқа бир гурӯҳ олимлар эса “хизмат” тушунчаси кенг тушунча эканлиги ва “хизмат кўрсатиш” тушунчаси унинг таркибига киришини қайд этишади²³.

Л.Ачилованинг фикрича, “хизмат” тушунчаси “хизмат кўрсатиш тушунчасига қараганда” кенгроқ маъно касб этади. Чунки “хизмат” – бу бир шахс томонидан иккинчи шахсга товарга нисбатан мулк ҳуқуқини ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган ҳамда аниқ бир моддий натижани бериши ва ашёвий шаклдаги ўзгартиришларни содир этишни назарда тутмайдиган ҳаракатлар

¹⁹ Ибратов Б. Гражданко-правовые проблемы бытового обслуживания населения: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Ташкент: 1994. – 22 с.

²⁰ Нарматов Н.С. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаровий-хуқуқий тартибга солиш муаммолари // Мусъул мухаррир: Х.Р.Рахмонкулов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти, 2009. – 14 б.

²¹ Красавчиков О.А. Сфера обслуживания: гражданско-правовой аспект // Гражданское право и сфера обслуживания. – Свердловск: 1984. – 6 с.; Шешенин Е.Д. Классификация гражданско-правовых обязательств по оказанию услуг // Гражданское право и сфера обслуживания: Межвузовский сб. науч. тр. – Свердловск: 1984. – С. 42-43.

²² Шешенин Е.Д. Классификация гражданско-правовых обязательств по оказанию услуг // Гражданское право и сфера обслуживания: Межвузовский сб. науч. тр. – Свердловск: 2003. – С. 42-43.

²³ Кабалкин А.Ю. Сфера обслуживания: гражданско-правовое регулирование. – М.: 2012. – С. 38-48; Дроздов И.А. Обслуживание вещей в системе гражданско-правовых отношений обслуживания // Журнал международного права. 2002. – С. 185-186; Баринов Н.А. Услуги (социально-правовой аспект). – Саратов: 2001. – 21 с; Стригунова Д.П. Соотношение понятий «услуга» и «обслуживание» в сфере туризма // Современное право. 2005. - №4. – С. 24-28.

мажмуи бўлиб, унинг таркибига товарларни етказиб бериш, ташиш, сұғурта, омонат сақлаш, воситачилиқ, мол-мулкни ишончли бошқариш, туризм, маслаҳат бериш, тиббиёт, ветеринария, алоқа каби соҳаларда бошқа шахсларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган хатти-харакатлар киради²⁴.

Фикримизча, телекоммуникация хизмати моҳиятан буюртмачининг топшириғи асосида ва унинг ҳисобидан ҳамда унинг фойдаси ва эҳтиёжини қаноатлантириш мақсадида ижрочи томонидан амалга ошириладиган фаолияти ва ҳаракатлар мажмуидир. Буюртмачи топшириғининг тузи ҳамда ўзига хослигидан келиб чиқиб, телекоммуникация хизматида ашёвий кўриниш ҳосил қилиниши ҳам мумкин. Масалан, абонент қурилмасини созлаш, тармоққа уланишини текшириши, тегишли қурилмани ўрнатиш ва шу кабилар. Бироқ ашёвий кўриниш ҳосил қилиш телекоммуникация хизмати учун мажбурий шарт ва талаб ҳисобланмайди. Хизматнинг мазкур тури учун бирламчи мезон ва асосий талаб ижрочининг буюртмачини тармоққа улаш ва унинг ахборот алмашинувига доир эҳтиёжини қаноатлантириш ҳисобланади.

Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш шартномасининг предмети таркибига кирувчи оператор ва провайдер фаолиятининг йўналишлари Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари келтириб ўтилган. Қоидаларда санаб ўтилган хизмат турлари анча кенг ва ранбаранг бўлиб, уларни бирлаштирувчи асосий мезон уларнинг телекоммуникация тармоқлари орқали амалга оширилиши ҳисобланади. Бундай хизматлар жумласига қўйидагилар киритилади: телефон алоқаси хизматлари, ахборот-маълумот хизматлари, телеграф хизматлари, маълумотларни узатиш тармоғи, шу жумладан, интернет хизматлари, мобил алоқа хизматлари, телевидение хизматлари. Мазкур хизматларнинг ўзи ҳам бир нечта майда хизмат турларига бўлиниб кетади. Масалан, мобил алоқа хизматлари таркибига роуминг алоқа хизмати ва абонент рақамларини кўчириш хизмати ҳам киради.

Юридик адабиётларда телекоммуникация хизматларининг ўзига хос хусусиятлари борасида муайян фикрлар билдирилган. Жумладан, Н.С.Нарматов тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг шахсий характердаги хизматлар турини ажратиб кўрсатади ва бундай турдаги хизматларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этади. Шахсий характердаги хизматларнинг моҳияти ва уларнинг ҳукуқий табиатини асослантиради экан

²⁴ Ачилова Л.И. Проблемы правового регулирования гостиничных услуг по законодательству Республики Узбекистан: дис. ... докт. филос. юрид. наук (PhD). – Ташкент: 2020. – 15 с.

муаллиф Е.Г.Шабалованинг бундай хизматлар инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиши ҳамда уларнинг таъсир объекти ҳам инсоннинг ўзи бўлиши²⁵ ҳақидаги фикрларини асос қилиб келтирган ҳолда, шахсий характердаги хизматларга оид учта муҳим жиҳатни назарда тутади²⁶. Л.Ачиловнинг фикрича, бу ҳолатда Н.С.Норматов томонидан кўрсатилган шахсий характердаги хизматларнинг учинчи жиҳати ҳақ эвазига химзатнинг барча турлари билан бевосита боғлиқликка эга бўлиб, унга кўра мазкур турдаги хизматлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга ҳисобланади. Бинобарин, шахсий характерга эга бўлган хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги мажбуриятни лозим даражада бажармаслик оқибатлари оғир ижтимоий оқибатлар мақомига эга бўлиши мумкин²⁷.

Назаримизда, телекоммуникация хизмати бевосита аниқ абонент учун кўрсатилиши алоҳида талаб этилмайди. Телекоммуникация тармоқлари ривожланишининг бугунги даражаси, телекоммуникация хизматларидан чексиз доирадаги шахсларнинг фойдаланишига имкон беради. Масалан, бир фуқаро Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган барча оператор ва провайдерларнинг мобил алоқа рақамини чекланмаган микдорда олиши ва уни ўзи ишлатиши ёки исталган бошқа фуқарога фойдаланишга бериши мумкин. Бу ҳолатни қонунчилик чекламайди, албатта. Бироқ масаланинг иккинчи томони IMEI коди (International Mobile Equipment Identifier) кодлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки, IMEI-код – GSMA томонидан 15 рақамдан иборат ҳолда ажратилади ва тармоқда GSM/UMTS/LTE стандартларида ишлайдиган мобил қурилмани идентификацияловладиган рақам ҳисобланади. Қоида тариқасида IMEI-код рўйхатдан ўтиши лозим бўлади. Мазкур ҳолатда мобил телефон рақамларнинг IMEI-кодли телефонлар орқали рўйхат ўтиши кейинчалик SIM (Subscriber Identification Module – абонент идентификацияси модули) -карта алмаштириш ёки бошқача тарзда фойдаланиш бўйича чеклашларни юзага келтириши мумкин. Шу сабабли телекоммуникация хизматларини шахсий хизматлар жумласига киритиш баҳсли тус касб этади.

²⁵ Шабалова Е.Г. Проблемы гражданско-правового регулирования отношений возмездного оказания услуг. – Екатеринбург: ГОУ ВПО УГТУ-УПИ, 2004. – 90 с.

²⁶ Қаранг: Нарматов Н.С. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаровий-хуқуқий тартибга солиш муаммолари // Мусъул мухаррир: Ҳ.Р.Рахмонкулов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2009. – Б. 29-32.

²⁷ Ачилова Л.И. Проблемы правового регулирования гостиничных услуг по законодательству Республики Узбекистан: дис. ... докт. филос. юрид. наук (PhD). – Ташкент: 2020. – 16 с.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтганда, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш шартномасининг предмети аниқлашда қонунчиликда белгиланган ҳамда амалиётда қўлланилаётган телекоммуникация хизматларининг хусусиятини бирлаштирувчи қоидаларни ФКга киритиш ўринли бўларди. Шу сабабли ФКнинг 38-бобига “телекоммуникация хизматларини хуқуқий тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари” номли моддани киритиш мақсадга мувофиқдир. Бундай кўринишида алоҳида норма РФ ФКда ўз ифодасини топган. Жумладан, РФ ФКнинг 783.1-моддасида ахборот хизматини кўрсатиш шартномасининг ўзига хос хусусиятлари белгиланиб, асосий эътибор ижрочи буюртмачига муайян ахборотни тақдим этиш мажбуриятини олиши ва бунда ахборотни учинчи шахсларга ошкор этмаслик иккала тараф учун ҳам мажбурият ҳисобланишига қаратилган.

Фикримизча, ФКга “телекоммуникация хизматларини кўрсатиш шартномасининг ўзига хос хусусиятлари” номли 708¹-моддани киритиш ва уни қўйидаги мазмунда белгилаш мақсадга мувофиқдир:

Ижрочи буюртмачига телекоммуникация хизматларини тақдим этиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олган шартномада (телекоммуникация хизматларини кўрсатиш шартномаси) тарафлардан бирининг ёки ҳар икки тарафнинг маълум бир муддат давомида ахборотни учинчи шахсларга ошкор этишга сабаб бўладиган ҳаракатларни амалга оширмаслик мажбурияти кўзда тутилиши мумкин.

REFERENCES

1. Ершов О.Г. О предмете гражданско-правового договора // Современная наука. 2011. – № 4 (7). – С. 20 // <https://cyberleninka.ru/article/n/o-predmete-grazhdansko-pravovogo-dogovora>
2. Грунский А.С. К проблеме понятия предмета гражданско-правового договора // Актуальные проблемы российского права. 2009. № 2. – С. 212 // <https://cyberleninka.ru/article/n/k-probleme-ponyatiya-predmeta-grazhdansko-pravovogo-dogovora>
3. Раҳмонқулов Ҳожи-Акбар. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар) / Ҳукуқшунослик ихтисоси бўйича олий ўқув юртлари "Хусусий ҳуқуқ" йўналиши магистратура талабалари учун. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 238 б.

4. Шешенин Е.Д. Общие проблемы обязательств по оказанию услуг / Антология уральской цивилистики. 1925–1989: сб. ст. – М.: Статут, 2001. – С. 347.
5. Кокорин И.С. Предмет договора возмездного оказания образовательных услуг: проблемы понимания // <https://cyberleninka.ru/article/n/predmet-dogovora-vozmezdno-go-okazaniya-obrazovatelnyh-uslug-problemy-ponimaniya>
6. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 12 б.
7. Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: юрид. фан. номз. дис. ... – Тошкент: 2006. - 25 б.
8. Скорикова Т.Н. Предмет договора возмездного оказания услуг // <https://cyberleninka.ru/article/n/predmet-dogovora-vozmezdno-go-okazaniya-uslug>
9. О телекоммуникациях: Закон Эстонии от 9 февраля 2000 г. под № RT I 2000, 18, 116. [Электронный ресурс] // Режим доступа: Официальный сайт Института проблем информационного права: <http://www.medialaw.rU/exussrlaw/l/ee/telecom.htm>
10. Закон республики Молдова от 15 ноября 2007 года №241-XVI “Об электронных коммуникациях” [Электронный ресурс] // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=22893
11. Закон Литовской Республики "О телекоммуникациях" от 9 июня 1998 г. № VIII-774 [Электронный ресурс]// <http://electrosvyaz.com/forum/viewtopic.php?t=12924>